

ОДАМ САВДОСИ ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Қурбонов Дониёр

Шароф Рашидов номидаги СамДУ 2-курс талабаси

Аннотатсия: Ушбу мақолада одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилишнинг ижтимоий хавfli томонлари хақида суз юритилган. Бундан ташқари одам савдоси жинояти жабрланувчисини маълум бир мақсадларни кўзлаб қабул қилиш, яъни олиш ёки сотиш учун ёки унга эгалик қилиш учун қабул қилиш тўғрисида суз боради.

Таянч иборалар: Одам савдоси, эксплуатация, уюшган гуруҳ, алдов, қул савдоси.

Бугунги кунда уюшган жиноятчилик, хусусан халқаро терроризм, нарқобизнес, қурол-аслаҳаларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одамлар савдоси (траффик)нинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш муаммоси нафақат халқаро ҳуқуқ, балки миллий жиноят ҳуқуқи учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб одамлардан ноқонуний фойдаланишга, уларнинг миграциясига ва савдосига қарши кураш бўйича чоратадбирларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 1949 йил 2 декабрдаги 317(IV)-сон резолюцияси билан маъқулланган «Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция ҳамда 2001 йил 28 июнда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сон резолюцияси билан қабул қилинган «Транс-миллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция ратификация қилинди.

2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одамлар савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” номли 135-модда билан тўлдирилди, сўнгра шу йилнинг август ойида ушбу модда “Одам савдоси” кўринишида янги таҳрирда баён қилинди. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик тизимида ўзининг худудий тузилмаларига эга бўлган “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўлими” ташкил этилди.

Қонуннинг 3-моддасида Одам савдоси тушунчаси берилган бўлиб, одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шакллари билан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни

суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розили-гини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакл-ларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқи-маларини ажратиб олишни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жавобгарлик белгиланган ва одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилишнинг олдини олиш ҳозирги кундаги асосий мақсадимиз ҳисобланади. Дарҳақиқат, одам савдоси соҳасидаги жиноятларга жазо тайинлашда мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, ушбу жиноятчиликни келиб чиқишига сабаб бўладиган барча салбий ҳолатлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, мазкур қилмишларни олдини олиш лозимдир. Одам савдоси - инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда .

Одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилишнинг яна бир ижтимоий хавфли томони шундаки, бу жиноий ҳаракатлар нафақат бир давлат ҳудудидаги жиноий гуруҳларнинг, балки халқаро жиноий уюшмаларнинг фаоллигини оширади. Одам савдоси жиноятининг изчил, қисқа вақт ичида кичик ва тарқоқ ҳолдаги жиноий гуруҳлардан ўта жипслашган халқаро жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар ихтиёрига ўтади ҳамда тармоққа айланган тарзда халқаро уюшган жиноятчиликнинг ўсиши билан ҳам боғлиқ деб таъкидлайди Россиялик ҳуқуқшунос Н. Г. Хомяков.

Ю.М.Бурякнинг фикрича, одам савдоси аксарият ҳолларда уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилиб, халқаро мазмун касб этади. Улар томонидан бундай жиноятни содир этишнинг механизми ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги кўринишларга эга; 1) жиноят жабрланувчиларини ёллаш; 2) уларни четга олиб чиқиш учун керакли ҳужжатларни расмийлаштириш; 3) давлат ичида ёки четга чиқариш учун уларни кўчириш; 4) ёлланувчиларни эксплуатация қилиш усулларини қўллаш. Ушбу усуллар қуйидагилардан иборатдир: а) иқтисодий жиҳатдан қарам қилиш; б) жабрланувчининг фуқаролик паспорти ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйиш; в) шахсий ҳуқуқ-ларидан фойдаланишни тақиқлаш; г) тиббий кўрикдан ўтишини тақиқ-лаб қўйиш; д) оила аъзоларини кўрқитиш ёки уларга турли тазйиқлар ўтказиш; е) ёлланган шахсга жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказиш; ж) уни ичкилик ёки гиёҳвандликка ўргатиш. 5) ўз давлатига қайтариб юбориш ёки бошқа ёлловчига сотиб юбориш .

Шундай қилиб, одам савдоси ижтимоий хавфли қилмиш бўлиб, ушбу жиноят жабрланувчини ёллаш, ташиш, қабул қилиш, яшириш ва сотиш ёки сотиб олиш ҳаракатлари билан амалга оширилади.

Ушбу жиноят одамни сотиш, сотиб олиш, шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда эксплуатация қилиш учун алдаш йўли билан одамни жалб қилиш орқали содир этилади. Бу жиноий мақсадларга мос келадиган одамларни излаб топиш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш ва тегишли фаолият билан шуғулланишлари учун улар билан оғзаки ёки ёзма равишда шартнома тузиш тушунилади. Алдов ушбу жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади, чунки ёлловчи томонидан шахснинг розилигини олиш учун била туриб турли вазиятлар тўғрисида ёлғон хабар беради.

“Алдов бу алданаётган кишининг хулқи, хатти-ҳаракатидир, янглишиш алданган шахснинг руҳий ҳолатидир”, . Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш таркибининг зарурий белгиси бўлиб, жиноят содир этиш усули ҳисобланади, чунки айбдор ушбу ижтимоий хавфли қилмишни жабрланувчи (жабрланувчиларни) алдаш йўли билан амалга оширади . Дарҳақиқат, ёлланувчи шахс ёлловчининг турли ёлғон ахборотларига ишониб, янглишган ҳолда ушбу жиноят жабрланувчисига айланади.

Алдов одам савдосини амалга оширувчи шахс ёки ёлловчининг битим тузиш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун ёки одам савдосини амалга ошириш учун жабрланувчининг розилигини олишдан аввал, хабардор қилиниши шарт бўлган у ёки бу ҳолатлар тўғрисида маълумотлар бермаслигини ёки уларни яшириши ёхуд шахсга атайин сохта маълумотлар беришидир.

Одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилиш ҳар доим фаол ҳаракат билан амалга оширилади, бинобарин шахсларни излаш ва жалб қилиш, ташиш, топшириш, яшириш, улар билан битим (оғзаки, ёзма) тузишда, кейинчалик эса улардан шахсан ёки ёлловчи сотиб юборган шахс томонидан фойдаланиш каби ҳаракатларда ифодаланади.

алдаш йўли билан одамни жалб қилиш деганда, ёлловчи томонидан моддий манфаат кўриш учун одамларни Ўзбекистон ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга олиб чиқиб шаҳвоний эҳтиёжни қондириш, мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ва бошқа мақсадларда ёлловчи томонидан ёки жиноятнинг бошқа иштирокчилари томонидан эксплуатация қилиш учун одамларни излаш, танлаш, тарғиб қилиш, жалб қилиш, ёллаш ва битимлар тузишга доир ҳаракатлари тушунилиши лозим. Бунда ёллашни амалга оширувчи ёлловчининг ёллаш билан боғлиқ барча ҳолатларни алдов йўли орқали амалга оширишдаги ҳаракати жиноятнинг объектив томонини ифода этади.

Одам савдоси ёки эксплуатация қилиш учун жалб қилиш учта асосий босқичдан ташкил топади:

- жабрланувчини топиш, жалб қилиш;

- жабрланувчини транзит йўли билан ташиш (халқаро чегаралар орқали ташиш), давлат ҳудудидан ўтказиш, сотиб олувчига топшириш, маълум вақтгача яшириш ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиш. Бу ушбу жиноят объектив белгисини ўзида акс этади;

- эксплуатация қилиш (одамнинг жисмоний ва шахвоний хизматларидан даромад олиш учун ғайриқонуний тарзда фойдаланиш).

Одамни жалб қилиш бу одамлар савдосининг бир кўриниши бўлиб, ушбу ҳолда одам эксплуатация қилиш учун танланади. Шахсни олиш-сотишдан олдин уни алдов йўли билан жалб қилиш амалга оширилади.

Чет давлатга пул топиш мақсадида чиқиб кетаётган аёллар кўп ҳолларда жисмонан эксплуатация қилинади. Алданганига тўла ишонч ҳосил қилганида ҳам, улар танишлари ва қариндошлари орасида шарманда бўлишидан қўрқиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беришмайди. Бу эса жиноятчиларнинг қилмишига яраша жазоланмаслигига, яъни жиноятнинг латент бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, чегарадан одамларни транзит тарзида олиб ўтиш қонуний ёки ғайриқонуний олиб кетилаётганлигига қараб турли йўллар билан амалга оширилади. Чегарадан олиб ўтишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги мезонларга кўра:

- жабрланувчининг ўзини бошқа мамлакатга олиб ўтилишига бўлган муносабатига қараб;

- жабрланувчининг давлат чегарасини кесиб ўтиш усуллари, шунингдек бундай кўчиб ўтишнинг қонунийлигига қараб гуруҳларга ажратиш мумкин.

“Ташиш жабрланувчини бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга қуруқлик, ҳаво ва сув йўллари орқали кўчиришни англатади”.

Одам савдоси жиноятининг ижтимоий хавфлилиги шундаки, одамларни жалб қилиш ва бошқа давлат ҳудудига олиб ўтиш, одатда, ихтиёрийлик асосида, ўзаро келишув натижасида амалга оширилади ва фақат муайян давлатга олиб ўтилгандан кейингина улар турли кўринишдаги зўрлик ва эксплуатация жабрланувчиларига айланадилар. Эътиборли томони шундаки, кўп жабрланувчилар, айниқса, ёш аёллар чет элга бориш ва у ерда иш топишга ҳаддан ташқари қизи-қишлари, шу боис бошқа мамлакатларга чиқиб кетишлари натижасида эксплуатация қилувчилар ва қўшмачилар томонидан одам савдосининг жабрланувчисига айланмоқда. Таъкидлаш лозимки, ёлловчилардан жабр кўрганларнинг аксарияти салбий оқибатлар юзага келишини олдиндан билган бўлсалар-да, бироқ бунинг олдини олиш мумкинлиги хусусида ёки бошқа йўлни танлаш имконияти борлиги тўғрисида енгил фикрлайдилар.

Ёлловчилар томонидан жабрланувчиларга қуйидаги таъсир этиш усуллари қўлланилиши мумкин. Уларга:

- кўрқитиш, мажбурлаш, жабрланувчига нисбатан зўрлик қўллаш;
- гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилдириш ёки психотроп дори воситаларидан фойдаланиш;
- жабрланувчиларни ёлловчига сунъий тарзда боғлиқ қилиб қўядиган ва чет элга кетишга мажбур қиладиган турли алдов усулларини қўллаш

Шахсни топшириш одам савдосида иштирок этаётган воситачининг ҳаракатларида, шунингдек уни эксплуатация қилиш мақсадида сотиб олган шахс томонидан ўз мақсадини амалга ошириш учун бошқа шахсга ёки вақтинчалик жойлаштириш, яшаш учун топширишидир. Топшириш ушбу жиноятнинг бир босқичи сифатида қаралиб, унга кўра жабрланувчини бошқа шахсга топшириши билан ифодаланади.

Ушбу жиноятнинг объектив кўриниши сифатида яшириш деганда, бошқа белгиларидан ўзининг хавфлилиги билан ажралиб туради. Яъни, жабрланувчини олди-сотди ҳаракатлари амалга оширилгунига қадар ёки ундан кейин яқин қариндошларидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан яшириш ҳисобланади.

Одам савдоси жинояти жабрланувчисини маълум бир мақсадларни кўзлаб қабул қилиш, яъни олиш ёки сотиш учун ёки унга эгалик қилиш учун қабул қилишидир.

Агар ушбу ҳаракатларнинг бирортаси амалга оширилиши, яъни одамни эксплуатация қилишни бошлашдан қатъи назар уни олиш-сотиш, уни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳаракатларидан бирортаси содир этилган вақтдан эътиборан тамом бўлган, деб ҳисобланади.

Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишга мажбурлаш, масалан, жисмоний зўрлик қўллаш ёки уни қўллаш таҳдиди орқали одамнинг “донорлик”ка мажбур қилинишини англатади. Жисмоний зўрлик калтаклаш, соғлиққа енгил, ўрта ёки оғир даражадаги зарарни етказиш ёхуд шундай қилиш таҳдиди билан содир этилиши мумкин.

Одамлар савдоси, қуллик, қул савдоси, мажбурий меҳнат ва бошқа тутқунлик ҳолатларига оид тушунчаларни ишлаб чиқишда, олимлар ўртасидаги зиддиятларнинг асосий сабаби бу ўрганилаётган ходисаларнинг халқаро қонунчиликдаги таърифларининг ноаниқлиги ҳисобланади.

Одамлар савдоси билан боғлиқ жиноятларни ўрганиш шуни кўрсатади, бундай жиноятни содир этган шахслар қўлга тушгунларига қадар ўз ҳаракатларининг оқибатини, жиноятга жазо муқаррарлигини тушуниб етмаслигидадир. Қолаверса, бошқа жиноятлар каби одам савдосининг ҳам замонга мослашуви кузатилмоқда. Чунончи, муқаддам бир-бирига мутлақо бегона шахслар жиноятчи ва жабрланувчи бўлсалар, эндиликда жиноятчилар томонидан ўз қариндош-уруғлари, маҳалладошлари, таниш-билишларини сотиб юбориш ҳоллари кўпроқ учрамоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, одам савдосига қарши курашиш аввало мазкур соҳада ҳуқуқий асоснинг ярати-лиши ва қонун ҳужжатларининг амал қилиш механизмининг самарали фаолият юритишини талаб қилади. Чунки одам савдосига қарши курашнинг миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.